



## ЎОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЕРГОВ СУДЪЯСИ, УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ АЎАМИЯТИ

**Юсупджанова Гулноза Илхомовна**

ТДЮУ Жиноят процессуал-хуқуқи кафедраси  
ўқитувчиси. E.mail: gyusupdjanova@mail.ru  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10682983>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> February 2024

Accepted: 19<sup>th</sup> February 2024

Online: 20<sup>th</sup> February 2024

### KEYWORDS

“Хабеас корпус”, суд назорати, шахс хуқуқ ва эркинликлари, жиноят-судлов юритуви, тергов судьяси, ҳориж тажрибаси.

### ABSTRACT

*Бугунги кунга келиб, республикаимиз жиноят-судлов қонунчилигида суд томонидан рухсат бериладиган процессуал мажбурлов ва тергов ҳаракатларининг сони 10 турга етди. Буларга қуйидагилар киради: қамоққа олиш, лавозимидан четлаштириш, тиббий муассасага жойлаштириш, амнистия актини қўллаш, уй қамоғи, қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш, айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, мурдани эксгумация қилиш. Шу билан бирга, суд назорати институти доимий равишда ривожланиб бормоқда ва ҳозирда унинг қамровини кенгайтирилиб тинтув ўтказиш, телефонлар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, мол-мулкни хатлаш ваколати ҳам судларга берилди. Ушбу мақолада ҳорижий давлатларда жорий қилинган тергов судьяси лавозими ва унинг функциялари, тергов судьяси лавозимини миллий қонунчиликка киритиш масалалари таҳлил қилинади.*

Ўзбекистонда “Хабеас корпус” институти 2008 йилдан бошлаб, қамоққа олишга санкция бериш хуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилгандан бери жорий этилган. Кейинги йилларда тергов устидан суд назоратининг ушбу шакли процессуал мажбурлаш чораларига ва шахснинг дахлсизлиги билан боғлиқ бир қатор тергов ҳаракатларига рухсат бериш хуқуқини бериш орқали аста-секин кенгайтирилди.

“Хабеас корпус” - махсус қонунчилик ҳужжати бўлиб, 1679 йил 26 майда Англия парламенти томонидан қабул қилинган. Ушбу ҳужжатга кўра, қўриқчилар, қамоқхоналар ёки шахсни ушлаш ёки ҳибсга олишда иштирок этган бошқа шахслар ушлашга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ушланган шахсни лордга ёки



судьяга олиб келишлари керак еди. Айбланувчи ёки гумон қилинувчини ушлаб туриш тартиби устидан суд назоратини ўрнатиш жиноят процессида шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга.

Халқаро ҳужжатларга эътибор қаратсак, суд назорати институти Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9-моддасида мустаҳкамланган. Ушбу моддага мувофиқ жиноий айблов бўйича ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва оқилона муддатда суд муҳокамаси ўтказилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 9-моддасида ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмаслиги қайд этилган.

Суд назорати институти АҚШ, Германия, Италия, Испания, Австрия, Буюк Британия, Португалия ва бошқа мамлакатлар Конституцияси нормаларида акс этган. Шу билан бирга, бир қатор давлатларда қабул қилинган қарорнинг холислигини таъминлаш учун жиноят ишини тергов қилиш устидан суд назоратини амалга оширадиган, тергов ҳаракатлари ва эҳтиёт чораларига рухсат берувчи махсус тергов судьяси лавозими мавжуд. Мазкур лавозим Германия, Австрия, Италия, Бельгия, Голландия, Латвия, Литва, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда жорий этилган бўлиб, айниқса Францияда ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда

Ишни судга қадар юритишда суд назорати зарурлигини юридик фанлари доктори Б.Мўминов: “фақатгина ишни мазмунан кўриш ва ҳал қилиш мажбуриятидан озод этилган судьягина ишни судга қадар юритишда суд назоратини холис амалга ошириши мумкин” деган фикрни билдириб ўтадиҳ[1]. Халқаро экспертлар ҳам ишни судга қадар юритиш жараёнида суд томонидан ҳал қилинадиган масалаларни ишни мазмунан кўриб чиқишдан ажратиш, шунингдек ишни судга қадар юритиш устидан суд назоратини кучайтиришни тавсия этадилар[2].

Ҳозирги кунда кўплаб ҳорижий давлатларда жиноят-судлов юритувига тергов судьяси лавозими киритилган. Жумладан, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддаси 3-қисмига мувофиқ, тергов судьяси – тегишлича биринчи инстанция судининг раиси томонидан тайинланадиган, судга қадар терговга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминланиши устидан суд назоратини амалга оширишга ваколатли судьядир[3].

Германия Республикасининг жиноят-судлов юритувида дастлабки тергов жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи процессуал мажбурлов чоралари ва тергов ҳаракатлари устидан назорат махсус судья томонидан амалга оширилади. Махсус судья эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш, вақтинчалик психиатрия муассасасига жойлаштириш, гумон қилинувчининг, айбланувчининг телефон сўзлашувларини эшитишга рухсат бериш, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда суднинг рухсатсиз ўтказилган тинтув ҳаракатларининг қонунийлигини тасдиқлаш каби бир қатор функцияларни бажаради. Бундан ташқари прокурор мустақил қабул қила олмайдиган қарорларни ҳам қабул қилади. Махсус судья ишни биринчи инстанцияда кўрилиб ҳал қилинишида қатнашмайди. Махсус судья тергов



судьясидан фарқли равишда терговга раҳбарлик қилмаган ҳолда тергов ҳаракатларининг қонунийлигини текшириш билан шуғулланади.

Франция Республикасининг жиноят-судлов қонунчилигига кўра, тергов судъси – бу республика Президенти томонидан уч йил муддатга тергов судъси лавозимига тайинланадиган иккинчи даражали суд (катта инстансия суди) таркибидаги судья ҳисобланади. Тергов судъяси адолат функциясини бажариши керак, бу эса тортишув жараёнида прокуратура ва ҳимоя функцияларидан ажралиб туради. Тергов судъясининг процессуал позицияси унинг прокурордан мустақиллигининг ҳақиқий кафолатларини яратади.

Франция ЖПКсига мувофиқ мамлакат ҳудудида суд полицияси ходимлари ва агентлари томонидан жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни шахсий тинтувдан ўтказиш ва унга нисбатан бошқа мажбурлов чораларини қўллаш тўлиқ суд назоратида, унинг қарорига асосан амалга оширилади.

Судья иш учун аҳамиятли деб топса ҳар қандай жойга бориши, бино иншоотларда тинтув ўтказиши мумкин. Бунда судья жой, бино жойлашган жойдаги прокурорни хабардор қилади, агар прокурор лозим топса тинтувда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳаракатни амалга ошириш чоғида судьяга котиб ҳамроҳлик қилади, барча ҳолатларни баённомада қайд этиб боради. Тинтув ўтказиш давомида иш учун аҳамиятли деб топилган мол-мулкни тасарруф этилишини чеклаб қўйиши ва сақлаш учун шахснинг ўзига ёки давлат мулки агентлигига топшириши мумкин. Бундан ташқари тергов судъяси, телекоммуникация орқали амалга ошириладиган ёзишмаларни ушлаб туриш ва ёзиб олиш ҳақида қарор чиқариши мумкин. Шахсни мажбурий келтириш, ҳибсда сақлаб туриш ҳақидаги ордерлар судья томонидан мустақил ҳал қилинади. Франция ЖПКсининг 137-1-моддасига мувофиқ шахсни ҳибсга олиш, уни муддатини узайтириш ва лавозимидан четлаштириш фақатгина суднинг қарорига асосан амалга оширилади.

Украинада шахснинг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқларига доир чоралар кўришда суд ҳал қилувчи роль ўйнайди. Украина Республикаси ЖПК бўйича жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган ёхуд бошқача тарзда озодликдан маҳрум қилинган ҳар бир шахс уни ушлаб туришнинг қонунийлиги ҳамда асослиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун имкон қадар тезроқ тергов судъяси ҳузурига келтирилиши лозим. Украинада тергов судъяси судьяларнинг умумий йиғилишида сайлов йўли билан тайинланган биринчи инстанция судининг судъяси бўлиб, Латвияда эса тергов судъяси жиноят процессида инсон ҳуқуқларининг таъминланишини назорат қилиб, у туман (шаҳар) судининг раиси томонидан тайинланади [4].

Қозоғистон республикаси жиноят-судлов юритувида ҳам тергов судъяси-бу биринчи инстанция судининг судъяси бўлиб, ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини назорат қилади. У ушбу суднинг раиси томонидан тайинланади ва лозим бўлса, қайта тайинланиши ҳам мумкин. Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддасига биноан тергов судъяси 12 та процессуал ҳаракатлар ва қарорларга рухсат бериш, 8 та масалани кўриб чиқиш ва 8 та бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Жумладан, экстрадиция бўйича ҳибсга олишга рухсат бериш, яширин тергов ҳаракатларини



ўтказишга рухсат бериш, махфий тергов ҳаракатларининг муддатларини узайтириш; кўздан кечириш, тинтув, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, мажбурий тиббий кўрикдан ўтишга рухсат бериш, намуналарни мажбурий олишга рухсат бериш каби масалаларни тергов судьяси ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-судлов юритувига ҳам, айнан ишни судга қадар юритишда тарафлар ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишлари ва процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун бу жараёнда холислик ҳамда беғаразликни таъминловчи жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида тергов судьяси лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ваколат доирасига кўра, тергов судьяси зиммасига Ўзбекистон Республикаси ЖПКда кўрсатилган ишни судга қадар юритиш жараёнида суднинг қарори (ажрими) талаб қилинадиган процессуал ҳаракатлар бўйича суд ваколатларининг барчасини ўтказиш лозим. Энг асосийси эса, тергов судьясининг иш юзасидан холисликни ва тарафлар тенглигини таъминлаши нуқтаи назаридан келиб чиқиб, унга айблов тарафининг бир қатор ваколатлари, жумладан, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш, мол-мулкни хатлаш ва уни таъқиқдан ечиш, экспертиза, тафтиш тайинлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчи ва терговчининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилиш каби ваколатларининг ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Муҳими, тергов судьяси ишни судга қадар юритиш жараёнида келиб чиқадиган масалалар юзасидан холис ва мустақил ҳакам бўлиши мумкин, чунки у кейинги суд инстанцияларида одил судловни амалга оширишдан четлатилган бўлиши даркор.

## References:

1. Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори ... диссер. Тошкент. 2020. Б. 249.
2. Предложения по концепции совершенствования системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан // [https://www.unodc.org/documents/centralasia//2018/UNODC\\_Criminal\\_justice\\_reforms\\_in\\_Uzbekistan\\_Apr\\_2018\\_EN.pdf](https://www.unodc.org/documents/centralasia//2018/UNODC_Criminal_justice_reforms_in_Uzbekistan_Apr_2018_EN.pdf)
3. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (по сост. на 16.11.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spininform.ru>
4. Канюк Ю.А. Следственный судья как субъект уголовного судопроизводства / Ю.А. Канюк, К.В. Степанов // Право: история, теория, практика : материалы III Междунар. науч. конф. СанктПетербург, июль 2015 г. — СПб. : Свое изд-во, 2015. — С. 120–123
5. Юсупджанова, Г. 2023. Судебный контроль в уголовном правосудии. Общество и инновации. 4, 7/S (авг. 2023), 15–20. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss7/S-pp15-20>.